

Таяммум ва аҳкомлари

«Рисалатун фил фиқҳил мұяссар» китобидан иқтибос

[Ўзбекча – Uzbek – اُوزبکي]



Доктор Солих ибн Фоним Садлон



Мутаржим: Абу Жаъфар Бухорий

Мухаррир: Абу Абдуллоҳ Шоший

التييم وأحكامه

مقتبس من كتاب رسالة في الفقه الميسر

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



د. صالح بن غانم السدلان

۱۴۳۸

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

Таяммум

1– Таяммумнинг лугавий ва шаръий истилоҳдаги маънолари

а) Лугавий маъноси: «Таяммум»: қасд қилмоқ, ният қилмоқ, демакдир.

б) Истилоҳдаги маъноси: «Таяммум» махсус услубда покиза тупроқ билан юз ва икки қўлни масҳ қилиш (силаш)дир.

Бу — Аллоҳ таолонинг Ислом Умматига берган имтиёзидир. Таяммум, сув таҳорати ўрнидадир.

2– Таяммум машруъ бўладиган кимсалар:

а) Йўқлиги ёки олисдалиги сабабли сувга эга бўлмаган одам.

б) Танасида жароҳати ёки касаллиги бўлиб, сув истеъмоли зарар берадиган одам.

в) Сув ўта совуқ ва иситишга имконияти бўлмаган одам.

г) Ўзи ёки бошқаларнинг сув ичишга эҳтиёжи бўлиб, сувсиз қолишдан кўрқкан одам.

3– Таяммум фарз бўлишининг шартлари:

а) Балоғат ёшига этиш.

б) Тупроқ ишлатиш учун қудрат.

в) (Таҳорат/таяммумни) бузадиган ҳолатнинг содир бўлиши.

4– Таяммум раволигининг шартлари:

- а) Мусулмонлик.
- б) Ҳайз ёки нифос (туғруқ) қонларининг тўхташи.
- в) Оқиллик.
- г) Пок тупроқнинг мавжудлиги.

5– Таяммумнинг фарзлари:

- а) Ният.
- б) Покиза тупроқ.
- в) (Тупроққа урилган) биринчи зарба.
- г) Юз ва икки кафтга масҳ қилиш (тупроқ ёки чангни суриш).

6– Таяммумнинг суннатлари:

- а) Басмалани айтиш.
- б) Қиблага юзланиш.
- в) Таяммум билан намоз ўқишини хоҳлаш.
- г) (Тупроққа урилган) иккинчи зарба.
- д) Тартиб.
- е) (Аъзоларни) пайдар-пай (силаш).
- ё) Бармоқлар орасини хилол қилиш.

7– Таяммумни бекор қиласиган нарсалар:

- а) Сувнинг топилиши.
- б) Таяммум, юқорида айтиб ўтилган таҳорат ва ғуслни бузадиган нарсалар билан бузилади. Асосий ибодатни бузадиган нарса, унинг ўрнига келган ибодатни ҳам бузади.

8– Таяммум қилиш шакли

Таяммум қилмоқчи бўлган одам ният қилгаč, басмалани талафуз қиласди. Сўнгра қўлларини тупрокқа уради, сўнгра тартиб ва пайдар-пайликка риоя қилиб, юзи ва икки кўлига масҳ қиласди (силайди).

9– Жабира (жароҳат боғланган боғлам ва бошқа нарсалар) ва жароҳатларга таяммум қилиш

Одамнинг танасида синик ёки жароҳат ёхуд яралар бўлиб, уни ювиш ортидан зиён келса ёки уларнинг устидан масҳ тортиш имконияти бўлмаса, ўша аъзогагина таяммум қилиб, қолган қисмини ювади.

- Сув ёки тупроқ топа олмаган одам қандай ҳолатда бўлса ўшандай намоз ўқийверади. Ўқиган намозини (сув ёки тупроқ топгани маҳал) қайта ўқимайди.

Маҳси ва ярага боғланган боғламларга масҳ тортиш

1– Абдуллоҳ ибн Муборак раҳимаҳуллоҳ: «Маҳсига масҳ тортиш ҳақида биронта ҳам ихтилоф йўқ», — деди.

Ином Аҳмад раҳимаҳуллоҳ: «Маҳсига масҳ тортиши ҳақида кўнглимда биронта ҳам шубҳа йўқ. Чунки, у ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламдан киркта ҳадис нақл қилинган», — деди. Яна: «Масҳ тортиш (оёқларни) ювишдан кўра яхшироқдир. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг асҳоблари афзал нарсаларни қидиришар эди», — деган.

2– Масхнинг муддати

Тортилган масҳнинг муддати муқим одам учун бир кеча ва бир кундуз, мусоғир учун эса уч кечада ва уч кундуздир.

Масҳ тортиш муддати маҳси кийилганидан кейин таҳорат бузилган пайтдан бошланади.

3– Маҳснинг шартлари

Маҳси мубоҳ (ҳалол нарсадан тикилган), пок, (оёқнинг ювиладиган) фарз жойларини қоплаган, ўзи (тик) тураладиган ва таҳоратлик пайтда кийилган бўлиши керак.

4– Маҳсига масҳ тортиш шакли

(Таҳорат олаётган одам қўлининг) бармоқ учларини сувга ботириб, маҳсининг уст қисмига оёқ бармоқларидан то болдир суяги бошланадиган жойгача бир марта масҳ тортади (силайди). Маҳсининг кафт ва товон тарафларига масҳ тортилмайди.

5– Маҳни бекор қиласидиган нарсалар

Масҳ қуидаги тўрт нарсанинг ҳар бири билан бекор бўлади:

1– Маҳси ечилса.

2– (Оёқларни) жунублик ғусли каби ювиш зарурати туғилса.

3– Маҳсида одатда «катта» дея ҳисобланган йиртиқ ҳосил бўлса.

4– Масҳ тортиш муддати тугаса.

Ярага боғланган боғлам ва унга ўхшаш нарсаларга муддати қанчалар узайиб кетсада ёки жунуб бўлинсада, ечилигунича масҳ тортилаверилади.

